

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕҲНАТ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК ЎРГАНИШ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10542960>

**Разикова Гулмира Шарифовна**

ТДИУ Статистика кафедраси катта ўқитувчи

**Аннотация:** Мақолада меҳнат бозори инфратузилмаси самарали ривожланишининг хусусиятлари ва тенденциялари таҳлил этилган ва унинг шаклланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммолар аниқланган ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** инфратузилма, меҳнат ресурслари, миграция, ишчи кучига талаб, ишчи кучи таклифи, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари, рақобат, ишсизлик, фаол сиёсат, ишга жойлаштириш, касбий-малака, рақамли иқтисодиёт.

## СТАТИСТИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ РАЗВИТИЯ РЫНКА ТРУДА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Аннотация:** В статье анализируются особенности и тенденции эффективного развития инфраструктуры рынка труда, выявляются социально-экономические проблемы, связанные с повышением эффективности его формирования, исследуются основные направления деятельности государственных и негосударственных служб занятости.

**Ключевые слова:** инфраструктура, трудовые ресурсы, миграция, спрос на рабочую силу, предложение рабочей силы, государственные и частные службы занятости, конкуренция, безработица, активная политика, занятость, профессиональные навыки, цифровая экономика.

## STATISTICAL STUDY OF LABOR MARKET DEVELOPMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Annotation:** The article analyzes the characteristics and trends of the effective development of the labor market infrastructure, identifies socio-economic problems related to the improvement of the efficiency of its formation, and researches the main directions of the activity of state and non-state employment services.

**Keywords:** *infrastructure, labor resources, migration, labor demand, labor supply, public and private employment services, competition, unemployment, active policy, employment, vocational skills, digital economy.*

## **КИРИШ**

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари, инновацион ривожланиш барча мамлакатларда олиб борилаётган ижтимоий иқтисодий ислохотлар замонавий меҳнат бозорини ташкил этиш ва уни статистик баҳолашни талаб этмоқда. Замонавий меҳнат бозорини ташкил этишдан асосий мақсад аҳолининг турмуш сифатини оширишдан иборат. Бунинг учун меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, ишсизлик даражасини пасайтириш, замонавий иш ўринларини яратиш, мамлакат аҳолисини, айниқса, кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш, ишчи кучи захирасини аниқлаш ва замон талабларига жавоб берадиган ҳамда ўз фикр мулоҳазаларига таяниб иш юритувчи кадрларни тайёрлаш талаб этилади.

Аҳолининг иш билан бандлик даражаси ҳар қандай давлат иқтисодиётининг ривожланиш кўламини ифодаловчи кўрсаткичлардан биридир. Меҳнат ва аҳоли иш билан бандлиги соҳасида бозор алоқаларини ривожлантириш янги ва ўхшаш бўлмаган ёндашишни, меҳнат бозори элементларини ўрганишда мунтазамликни, бозор категориялари ва тушунчаларининг услубий базасини янгилашни талаб этади. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш келгусида аҳолини оқилона иш билан бандлиги соҳасидаги институционал тузилмалар фаолиятларини жадаллаштириш ва норматив-ҳуқуқий базаларини ривожлантиришни талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида "2021 йил 1 январдан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этиш, [5] шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ёшларни иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш" долзарб масала ҳисобланади.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан академик Қ.Х.Абдурахмонов меҳнат бозорига “ишчи кучи такрор юзага келишининг барча босқичларида: унинг етиштирилиши (ижтимоий тақсимланиши (ишчи кучининг ижтимоий, касбий ва ҳудудий кўчиши орқали тақсимланиши) ва меҳнат соҳасида

фойдаланиши босқичларида ходим билан иш берувчи ўртасида кечадиган ижтимоий муносабатлар тушунилиши керак”(1), деб таъриф берилган.

Ш.Р.Холмўминов тадқиқотларида меҳнат бозорига “...меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар ҳамда уларнинг шахсий муносабатларини, шунингдек, уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи контрактлар (меҳнат келишувлари) асосида “меҳнат қобилиятлиларини” харид қилиш – сотишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспекти, ўсувчи ва очик ижтимоий-иқтисодий тизимчасидир”(2), деб тушунтириш берилган.

Х.Н.Мўминов эса меҳнат бозорини “... инсоннинг меҳнатга лаёқатини сотиш, сотиб олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси” сифатида тушунтиради.

К.З.Ҳомитов меҳнат бозорига “Меҳнат бозори, бу – шартномада белгиланган чекловлар асосида тасдиқланувчи ва иш берувчилар томонидан таклиф этилаётган иш ўринларига мос равишда ишчи кучи алоҳида кўрсаткичларининг эркин таклифи асосида ташкил этилган товар-пул муносабатлари негизида ишчи кучи ёллашга доир ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солувчи институтдир”(3), деб таъриф берган.

И.С.Маслованинг таърифи бўйича – “меҳнат бозори – бу ўсувчи тизим, унда мулкчилик субъектлари ишчи жойлари ва ишчи кучи таклифлари, ходимга ва “ёлланма” ишга талаб ҳажми, таркиби ва нисбатини” (4) ифодалайди.

А.А.Никифорова эса “Меҳнат бозори ривожланишининг даражаси ва бозорда иштирок этувчи кучлар: тадбиркорлар, меҳнаткашлар ва давлат ўртасида маълум даврда эришилган манфаатлар балансини акс эттирувчи ижтимоий муносабатлар тизими сифатида вужудга келган”(5), деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, фикримизча, умумий кўринишда меҳнат бозори деганда, бир томондан иш берувчилар, иккинчи томондан ишга талабгорлар (ёлланувчилар)нинг ўзаро муносабатини амалга оширувчи бозор тушунилади ва у қуйидаги компонентлардан ташкил топади: меҳнатга талаб; меҳнат таклифи; ишчи кучи баҳоси; ишчи кучи қиймати; рақобат.

**Тадқиқот долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда меҳнат бозорининг етакчи иштирокчилари ҳисобланган муассасаларнинг меҳнат бозорини статистик моделлаштириш ва таҳлил қилиш учун эволюцион агентга йўналтирилган тузилмаларини шакллантириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини статистик прогнозлаш, норасмий меҳнат муносабатлари ва меҳнат бозори сегментациясини статистик прогнозлаш, миграция жараёнларини мамлакат

иқтисодий ўсишига таъсирини статистик прогнозлаш сингари қатор муаммоларнинг илмий ечимларини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқот ишлари ташкил этилган. Бу соҳада статистик кўрсаткичлар тизими ва моделларни тузишга комплекс ёндашиш, статистик таҳлил сифатини ошириш, меҳнат бозори элементларини оптимал бошқариш ва тартибга солишни такомиллаштириш масалалари юзасидан алоҳида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро самарали алоқадорлигини таъминлашнинг ахборот-аналитик базасини такомиллаштириш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди ҳамда иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг ахборот дастурий ва услубий таъминоти усулларидан фойдаланиш зарурати асосланди.

**Тадқиқот мақсади** инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорини статистик баҳолашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қўлга киритилаётган ижобий натижалар, шунингдек иқтисодиётни модернизациялаш асосида замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида республикамиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, иқтисодиётимизнинг янги мазмун ва моҳият касб этаётганлигининг далили ҳисобланади.

**Тадқиқот натижалари** меҳнат бозори ҳолатининг етарли даражада барқарор таъминланиши меҳнат бозори инфратузилмаси барча субъектлари, шунингдек давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари томонидан кутилаётган бир қатор жорий масалалар ва муаммоларнинг муваффақиятли ечимларини ҳал этишни зарурат этади.

Иқтисодиётни диверсификациялаш ва замонавий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш жараёни, уни ташкил этувчи субъектлар иқтисодий фаолиятлари моддий базасининг ривожланишига боғлиқдир, чунки моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг шarti ва бош омили ҳисобланади.

Мамлакатимизда меҳнат бозорига жалб этилаётган ёш меҳнат ресурсларини иш билан банд этиш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, касаначиликни ривожлантириш, турли соҳаларда кластер тизимини жорий

этиш, кам таъминланган оилаларга қорамол ажратиш, шунингдек, бошқа аниқ манзилли инвестиция дастурларининг амалиётга тадбиқ этилиши, хорижий мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий алоқалар миқёсининг кенгайиши натижасида ишчи кучининг миграция жараёнларини мувофиқлаштириш сингари меҳнат бозорининг асосий элементларини ифодаловчи статистик кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Глобализация жараёнлари ва инновацион ривожланиш меҳнат муносабатларининг мазмуни ва характерида туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди, яъни хўжалик юритувчи субъектларда ишчи кучидан оқилона фойдаланиш, нисбий ортиқча ишчи кучини иш билан таъминлаш ва қайта тақсимлаш, эҳтиёжга эга бўлган кадрлар тайёрлаш, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, меҳнаткашларни рози қилиш ва уларнинг реал даромадларини ошириш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур”, деб таъкидлагани ушбу муаммоларнинг нақадар долзарблигидан унга эришиш, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллашининг деярли барча йўналишларини қамраб олган. Ушбу стратегик мақсадларнинг барчаси Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган<sup>1</sup>.

Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ишсизлик даражасини пасайтириш, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг меҳнат қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда иш излаётган муҳтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш устувор вазифалардан бири қилиб белгиланган<sup>2</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз иқтисодиёти учун энг устувор йўналишлардан бири сифатида аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш масаласига катта эътибор бериб келинмоқда (1–Жадвал).

Меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши, биринчи навбатда, мавжуд статистик ахборот тизимига узвий боғлиқдир. Ахборот максимал даражада ҳаққоний ҳамда меҳнат бозорида тадқиқотлар ўтказиш учун етарлича тўлиқ бўлиши, унда содир бўлаётган жараёнларни жамланган ҳолда акс

<sup>1</sup> Стратегиялаш назарияси ва амалиёти [Текст]: дайджест./ В.Л.Квинт. – Тошкент: Тасвир. 2018. – 160 б.

<sup>2</sup> <http://uza.uz>

этириши, у нафақат ишчи кучи бозорининг аҳволини таърифлаши, балки тадқиқ этилаётган жараёнларни прогнозлаш учун замин бўлиб, меҳнат бозори соҳасидаги аҳволни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида содир бўладиган ўзгаришларни мустақамлаши лозим.

1–Жадвал.

Меҳнат ресурслари таркиби (минг киши)

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Меҳнат ресурслари	17564,3	17814,1	18048,0	18276,1	18488,9	18666,3	18829,6	18949,0	19158,2	19345,0	19517,5
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли	17451,5	17698,7	17937,8	18167,7	18371,7	18549,0	18712,1	18857,6	19075,7	19258,1	19393,0
Доимий аҳолига нисбатан, фоизда	58,6	58,5	58,3	58,0	57,7	57,3	56,8	56,2	55,7	55,2	54,4
Меҳнат ресурсларига нисбатан, фоизда	99,4	99,4	99,4	99,4	99,4	99,4	99,4	93,4	99,6	99,6	99,4
Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишловчилар	112,8	115,4	110,2	108,4	117,2	117,3	117,5	91,4	82,5	86,9	124,5
Доимий аҳолига нисбатан, фоизда	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,3	0,3	0,3	0,2	0,2	0,3
Меҳнат ресурсларига нисбатан, фоизда	0,6	0,6	0,6	0,6	0,6	0,6	0,6	0,5	0,4	0,4	0,6

1–Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, меҳнат ресурслари 2012 йилда 17564,3 минг кишини ташкил этган бўлса, 2021 йилда эса 19517,5 минг кишига етган, яъни 1953,2 минг кишига ошганлиги жадвал маълумотларидан маълум бўлди ёки 111,1 %ни ташкил этган, яъни 11,1 % га ошганлигини кўриш мумкин. Доимий аҳолига нисбатан меҳнат ресурслари 2012 йилда 58,6 %, 2022 йилда эса 54,4 % эканлигини, яъни шу йиллар ичида 4,2 %га камайганлигини кўриш мумкин.

Ушбу соҳада асосий йўналишлардан бири бўлган меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Меҳнат бозорида фаол сиёсатни ўтказиш унда содир бўлаётган жараёнлар тўғрисида мавжуд бўлган ахборот оқимларининг аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази идораларида жамланишини кўзда тутди. Бунда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги меҳнат бозорининг ахборот тизимидаги оқимларни мувофиқлаштириш ва ривожлантиришдаги ўрнини ҳисобга олиш лозим.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мувофиқлаштириб берадиган статистик ахборот тизими фақатгина маълумотлар манбаи бўлмасдан, аниқроғи, статистик маълумотлар банки ролини бажармасдан, бир қанча вазифаларни ҳал этади. Уларга:

- 1) маълумотнинг мазмуний қисмини аниқлаш, яъни қайси ахборот зарур бўлишини белгилаш;
- 2) қабул қилинадиган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни танлаб олишда ёрдам бериш;
- 3) ахборотни олиш ва ишлаб чиқиш даврини белгилаш;
- 4) ахборотнинг шошиличилиги, унинг ишончилиги (ҳаққонийлиги) ҳамда керакли маълумотларни олиш харажатлари ўртасида энг қулай нисбатни аниқлаш;
- 5) маълумотларни олиш тартиби регламентини ишлаб чиқиш;
- б) маълумотларга ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш, сақлаш, йиғиш ва тарқатиш усулларини белгилаш.

Меҳнат бозорининг фаолияти ҳуқуқий муносабатлар тизими таъсири остида амалга оширилади ва қонунчилик ҳужжатларининг мажмуи билан тартибга солинади. Меҳнат бозорининг ахборот тизими ушбу ҳуқуқий ахборотнинг ахборот оқимларидан бири сифатида қамраб олиши ва у доимий янгилашиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Меҳнат бозоридаги вазиятни таҳлил қилиш ва тадқиқ этиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар банкини шакллантириш аҳолининг иш билан бандлик соҳасида илмий ишланмалар, янги услубий ёндашувлар ҳамда кўрсаткичларнинг турли тизимлари тўғрисида ахборот оқимини назарда тутди.

2–Жадвал.

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига мувофиқ  
(минг киши)**

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Иқтисодий фаол аҳоли	12850,1	13163,0	13505,4	13767,7	14022,4	14357,3	14641,7	14876,4	14797,4	14980,7	15038,9
Иш билан банд	12223,8	12523,3	12818,4	13058,3	13298,4	13520,3	13273,1	13541,1	13236,4	13538,9	13706,2

аҳоли											
Шу жумладан:											
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3251,7	3402,1	3528,9	3601,7	3646,7	3671,3	3537,2	3544,6	3499,2	3502,1	3438,7
Саноат	1669,5	1703,1	1736,5	1768,7	1802,4	1826,8	1802,9	1821,5	1809,5	1883,3	1810,6
Қурилиш	1105,7	1144,0	1183,3	1222,2	1263,6	1290,0	1205,5	1324,6	1305,6	1286,8	1314,3
Савдо	1305,6	1342,0	1378,3	1413,8	1452,4	1480,2	1401,8	1436,4	1405,4	1537,2	1525,2
Ташиш ва сақлаш	549,1	570,2	592,1	614,7	638,2	654,9	645,2	646,1	610,5	648,5	633,1
Таълим	1103,3	1104,0	1104,7	1105,3	1105,6	1106,6	1111,7	1134,4	1158,2	1178,3	1268,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	598,4	599,5	600,8	601,5	601,6	602,6	604,0	616,7	669,5	659,0	671,3
Бошқа турлари	2640,5	2658,4	2693,8	2730,4	2787,9	2887,9	2964,8	3016,8	2778,5	2843,6	3044,3
Давлат сектори	2363,2	2341,1	2324,7	2341,3	2330,4	2338,3	2427,0	2463,3	2483,1	2609,0	2540,0
Нодавлат сектори	9860,6	10182,2	10493,7	10717,0	10968,0	11182,0	10846,1	11077,8	10753,3	10929,9	11166,2
Меҳнат идораларида рўйхатдан ўтган ишсизлар	6,0	5,4	3,4	2,7	5,0	14,4	32,3	57,9	37,1	98,7	

2–Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, 2012 йилда иқтисодий фаол аҳоли 12850,1 минг киши ташкил этган бўлса, 2022 йилда эса 15038,9 минг кишини ташкил этган, ёки 10 йилдан ортиқ давр мобайнида 2188,8 минг кишига ошганлигини кўриш мумкин. Шу йиллардаги иш билан банд аҳоли сони эса 2012 йилда 12223,8 минг кишини, 2022 йилда эса 13706,2 минг кишини ташкил этиб, 1482,4 минг кишига ошганлиги маълум ёки 10 йилдан ортиқ мобайнида 112,1 %ни ташкил этиб, 12,1 %га ошганлигини кўришимиз мумкин.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, 2022 йилда энг кўп кўрсаткич қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига тўғри келиб 3438,7 минг кишини, кейинги ўринларда эса саноатда 1810,6 минг киши, қурилишда 1810,6 минг киши, савдода 1525,2 минг киши, таълим соҳасида 1268,7 минг киши ва соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда 671,3 минг киши иш билан банд эканлигини жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига мурожаат қилган аҳолининг ишга жойлаштирилиши, иш излаётганлар (асосан, ишсизлар)ни рўйхатдан ўтказиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишсизлик бўйича нафақалар тўлаш ва ишчи кучи бозорининг муаммолари юзасидан бошқа ҳисоботлар, шунингдек, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази фаолиятининг унумдорлиги тўғрисидаги ахборотлар бўлган ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида йиғилади. Ушбу таклиф этилаётган ахборот тизим мақсади ва вазифаларига унинг бошқа тизимлардан фарқи ва устунлигига батафсил тўхталмаган. Кўп йиллик тадқиқотлар ва текширишлар таҳлили асосида, бизнинг фикримизча, статистик



ахборот тизими қуйидаги мақсадларга эришиш учун ташкил этилиши мақсадга мувофиқ:

- меҳнат бозоридаги вазиятнинг мониторингини олиб бориш;
- ўз фаолияти ҳамда меҳнат бозоридаги бошқа тузилмалар самарадорлигини статистик баҳолаш;
- асосан, “илгарилаб кетувчи” индикаторлар тизимидан фойдаланиб, вазиятни прогностлаш;
- меҳнат бозорини тартибга солиш устуворликларини аниқлаш;
  - иш изловчилар ва ишга ёлловчилар, шунингдек, таълим ва қайта тайёргарлик билан шуғулланадиган институтларга маслаҳат бериш ва методологик ёрдам кўрсатиш;
  - аҳоли ўртасидаги мойилликлар ва самарали иш билан бандликни аниқлаш ҳамда меҳнат бозорини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастурларини ишлаб чиқишга имкон берадиган ахборотга асосий эътибор бериш.

Амалдаги ахборот тизими таҳлилининг кўрсатишича, ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва истеъмолчиларга етказиш ишларининг салмоқли қисми давлат ва идора ичидаги статистик ҳисоботлар ҳиссасига тўғри келади. Уларда келтирилган маълумотлар замонавий меҳнат бозори сиғимини аниқлашга, унинг ҳолатини баҳолаш, аҳолининг иш билан бандлиги сиёсатини мувофиқлаштириш ҳамда ишсизликнинг ижтимоий оқибатларини юмшатиш юзасидан чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга имкон беради. Улар билан бир қаторда аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ишчи кучи бозори тўғрисида маълумот олиш учун ўтказиладиган махсус текширишларнинг материаллари алоҳида бир тизим ҳисобланади. Ишсизлар олаётган ишсизлик нафақаси миқдори бўйича тақсимланиши юзасидан текшириш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ўтказиладиган социологик сўровлар ахборот тўплаш мумкин бўлган усуллардир.

**Хулоса ва таклифлар.** Иқтисодиётда хусусий сектор ролининг кенгайиши билан алоқадорликда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича агентликлар, нодавлат ихтисослашган меҳнат биржалари ва хусусий воситачи фирмаларнинг яратилиши ҳамда фаолиятлари давомида мақсадга мувофиқ равишда меҳнат бозори ягона ахборот тизимидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Ҳақиқатдан ҳам, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари маълумотлар банкининг шаклланишида қўшма ҳамкорлик ҳудудий меҳнат бозорида жараёнлар тезлашишининг мутаносиблигини таъминлайди. Шундай қилиб, меҳнат бозорида талаб ва таклифни тартибга солиш бўйича ҳудудий ахборот тизимларини яратилиши бозор алоқаларини шакллантириш, меҳнат

бозорида хўжалик субъектлари трансакцион харажатларини камайтириш, тармоқлар бўйича ишчи кучи тақсимланишини оптималлаштириш мақсадида, улар ўртасида интенсив алоқаларни қарор топтириш шарт-шароитларини вужудга келтиради. Тўпланган маълумотларнинг ишончилиги меҳнат бозори самарали мониторингини таъминлаш учун ахборотлар узатиш жараёнини тезлаштиради ва ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари учун иш билан бандликка кўмаклашиш дастурини ишлаб чиқишда маълумотлар базасини шакллантиради. Демак, ҳудудий ахборот тизимларининг яратилиши меҳнат бозорини тартибга солишда ҳудудий иш билан бандлик сиёсатини самарадорлигини ошириш учун имконият яратади.

Хулоса тарзида қайд этиш лозимки, биринчидан, иш билан банд бўлганлар сонининг камайиши, иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлик таркибининг жиддий равишда ўзгариши, иш билан норасмий бандлик кўламларининг кенгайишида ўз ифодасини топади. Ушбу жараёнлар шаклланишининг қонуниятларини аниқлаш ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилашда маҳаллий миқёсдаги меҳнат ресурсларини иқтисодий тармоқлар ўртасида тақсимотини тўғри ташкил этиш, янги ташкил этиладиган корхоналарни режалаштиришда аҳоли сонига нисбатан пропорционаликни таъминлаш аҳолининг иш билан бандлигини таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурларини ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимдир. Келтирилган вазифаларни амалга оширилиши ўз навбатида мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси 2012-2022 йиллардаги расмий статистик маълумотларга таяниб олиб борилган таҳлиллардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, аҳоли сонига мос равишда меҳнат ресурслари сони ва иқтисодиётда фаол аҳоли сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Албатта бундай ҳолат аҳоли ёш таркиби билан боғлиқ бўлиб меҳнатга лаёқатлилар сонининг ошишига омил бўлганлигини қайд этиш лозим;

учинчидан, бандлик масаласини ечишда комплекс тарзда ёндашиш, яъни бандлик дастуридан келиб чиқиб мамлакат ва ҳудудлараро ёндашишни тақозо этади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган инвестицион сиёсат шароитида қатор лойиҳалар асосида ҳудудларда корхоналар барпо этилмоқда. Бу ўз навбатида улар учун кадрлар етиштириб беришни тақозо этади. Шунинг учун барпо этилаётган замонавий корхоналар учун олий таълим муассасалари фаоллигини оширган ҳолда улар учун кадрлар етиштириш ҳамда қайта ўқитиб бериш, яъни малакасини ошириб бериш тизимини замонавий ёндашувда ташкил этиш лозим.

тўртинчидан, меҳнат бозори ҳамда бандлик соҳасида гендер тенглиги эркаклар ва аёлларга мазкур бозор тақдим этадиган барча имкониятлардан (умуман олганда, маош тўланадиган меҳнат соҳасига, фаолиятнинг барча турларига, турли кўринишдаги иш жойларига ва бошқалардан) тенг фойдаланишларини таъминлашни кўзда тутди. Бунда, гендер тенглиги – фақатгина адолат масаласи ҳам, инсон ҳуқуқларига риоя қилишга тегишли бўлган муаммо ҳам эмаслигини ёдда тутиш зарур.

Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган кўплаб тадқиқотларнинг кўрсатишича, аёллар билим даражасининг ошиши ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) миқдори ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд. Умуман олганда, олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

биринчидан, олий таълим тизимида фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш ҳамда реал фаолият олиб бораётган замонавий корхоналар талабидан келиб чиқиб мақсадли дастур асосида тайёрлаш;

иккинчидан, аҳоли меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўз қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда таълим мутахассисликларига йўналтириш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш;

учинчидан, аҳоли ўртасида ишбилармонлик ва тадбиркорликка йўналтирувчи тадбирларни амалга ошириш ҳамда интеллектуал қобилятини аниқлаш орқали уларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларни ажратиш.

Ишчи кучининг иш билан бандлиги аҳоли учун шахсий эҳтиёжларини қондиришда, муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли статистиканинг турмуш тарзини тавсифловчи кўрсаткичлар комплексида меҳнат бозорининг меҳнат ресурслари кўрсаткичлари алоҳида ўринга эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуни (янги таҳрири). - Тошкент.: Шарқ, 1998 й.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” 2020 йил 25 январь.
3. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони, 1-илова, 4.1-банд.
4. Рынок труда. Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. Абдурахманова К.Х., д.э.н., проф. Одегова Ю.Г. – Т.: ТФ РЭА, 2009. - 384.

5. Тарасова Н. Трудовые отношения в условиях глобализации и технологической революции (опыт стран запада) // Общество и экономика. –М.: 2000. №1. -С. 67.
6. Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. 150-155 б.
7. Ғуломов С.С. Ахборот тизимлари ва технологиялари. -Т.: Шарқ. 2000. - 93 б.
8. International Labor Review. 1995. V. 134. №4-6. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2017 йил № 5, 2017 [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz) 9
9. Костюнина Г.М. Социальная политика в области труда (опыт Республики Корея) // Труд за рубежом. 2000. №4. -С. 29-30.
10. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: Меҳнат. - 2009. - 512 б.
11. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш. Иқтисод фанлари доктори диссертацияси. – Т.: 1998. - 284-б.
12. Хомитов К.З. Меҳнат бозорининг самарали ривожланиши ва уни моделлаштириш (монография). – Т.: ТДИУ, 2015.
13. С.Г.Ермолаева. Рынок труда. Учебное пособие. Екатеринбург Издательство Уральского университета, 2015.